


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Тарихимсан, тақдиримсан, келажакимсан, она тилим!



авлод вакиллари бевосита гувоҳ бўлган сўнгги йиллари, аниқроғи, 1989 йилгача бўлган даврида Ўзбекистонга раҳбар бўлганларнинг деярли барча чиқиши, Ўзбекистон Коммунистик партияси ва республика ҳукумати-нинг аксар ҳужжатлари аввал рус тилида тайёрланиб, амалда оммавий ахборот воситалари учунгина ўзбек тилига ўғирилар эди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Раёсати мажлислар залининг забони бўлса, айтсин, 1984 йили ўзбек тили ва адабиётини тадқиқ этишга ихтисослашган жаҳондаги ягона ва асосий илмий даргоҳ – Ўзбекистон Фанлар академиясининг собиқ Тил ва адабиёт, ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтига орден топириш маросимида ўша пайтдаги республика раҳбари ҳам, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ҳам, Институт директори ҳам, бошқалар ҳам рус тилида сўзлаган эди. Лоақал, номигагина бўлса ҳам, бирор киши ўзбекча чиқиш қилмаган.

1976-1991-йилларда ўзбек тилида диссертация ёзиб, ёқлаш ман этилган эди. Ўзбек тили ва адабиёти тадқиқига бағишланган диссертацияларни ҳам рус тилида ёзиб, рус тилида ёқлашга мажбур эдик. Ушбу сатрлар муаллифи 1985 йили Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ диссертациясини ҳам рус тилида ёқлаган. Ҳолбуки, Ихтисослашган илмий кенгаш аъзоларининг аксарияти ўзбек, унга аъзо бўлган биргина Нинель Васильевна Владимировани айтадиган бўлсак, у киши ўзбек тилини унча-мунча ўзбекдан яхшироқ билар, адбларимизнинг кўплаб асарларини илмий

таҳлил қилган олима ва русчага ўғирган моҳир таржимон ҳам эдилар.

Марҳум Шароф Рашидов – шундай ўзбек ёзувчиси ҳам бир йилда фақат бир бор, яъни киш ойларида Тошкентдаги Санъат саройида ўтадиган қишлоқ хўжалиги ходимлари курултойидагина ўзбекча чиқиш қилар эдилар, холос.

Гарчи шўро замонида ўзбек тилида сиёсий руҳдаги жилд-жилд китоблар, минг-минг ҳужжатлар чоп этилган бўлса-да, булар, асосан, русчадан таржималар эди, холос. Аччиқ ҳақиқат шуки, фақат таржима орқалигина бирон-бир халқ тарихидагина сиёсий тил пайдо бўлмаган, пайдо бўлмади ҳам. Боз устига, давлат тили мақомига эга бўлмаган бирон-бир тил ҳеч қачон ростамакига сиёсий тилга айлана олмаслиги – "Икки қарра икки – тўрт", – деганчалик муқаррар гап.

Шўро даврининг сўнгги, аниқроғи, М. С. Горбачёв раҳбарлик қилган 1985-1991-йиллари тарихга "қайта куриш даври" номи билан кирган. Юзага келган ошкоралик шароити шарофати билан Иттифоқдаги республикаларда аҳолининг асосий қисмини ташкил этган миллат тилини давлат тили деб эълон қилиш гоёси илгари сурилди. Миллий зиёлилар шу масалани кўтариб чиқа бошладилар.

Албатта, ҳукмрон сиёсат бунга тиш-тирноғи билан қарши бўлди. Икки ўртада кескин баҳслар бошланиб кетди. Баҳс-мунозаралар оммавий ахборот воситаларида, йиғилишларда давом этди. Ўзбекистонимиз ҳам бу жараёнлардан четда қолмади.

Давоми 4-бетда ➡

ТИЛНИНГ ДИЛИ

Уч минг йиллик миллий давлатчилик тарихига эгамиз. Лоақал, 2 минг 700 йиллар илгари яратилган буюк "Авесто" китобини эсга олганимизда ҳам, маънавиятимиз тарихи ҳам камида шунчага бориши аёнлашади. Ҳарун-Эносой ёзма ёдгорликларини қўшмай, лоақал, фақат Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луготит турк"ида келтирилган туркий адабиёт намуналарини Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг"ини инобатга олганда ҳам, бизда қозғозда муҳрланган камида минг йиллик сўз санъати бор.

Лекин халқ аввал тил яра-

тади, кейин адабиёт.

Тарихга суняиб, дадил айтиш мумкинки, 1920-1924-йилларда фаолият олиб борган Бухоро Халқ Республикасида туркий (ўзбек) тили давлат тили деб эълон қилинганлиги ҳисобга олмаганда, 1989 йилнинг 21 октябрга ҳеч қачон ўзбек тили юртимизда давлат тили мақомига эга бўлмаган. Шунинг учун, очик тан олиш кераки, тарихда ҳеч қачон замонавий тушунчадаги ўзбек сиёсий тили шаклланган эмас.

XV асрда теурий Хусайн Бойқаро туркий тилда адабий асарлар ёзиш гоёсини

илгари сурди. Ўзбек шоирларига бу борада оғзаки топириқлар берди. Ўзи ҳам ўзбекча шеърий девон тузди. Буюк Алишер Навоий бу олий мақсадни ҳадди аъло-сида амалга оширди. Аммо Хусайн Бойқаро бошқарган Хуросон давлатининг ҳам расмий тили форсий тил эди. Чунки, форс-тожиклар бу давлат ҳудудидаги аҳолининг асосий қисмини ташкил этар эди. Форс-тожик тилида давлат ишларини юритиш анъанаси кейинги асрларда Қўқон ва Хива хонликлари, Бухоро амирлигида ҳам давом этди.

Собиқ Иттифоқ биз тенги

XALQARO MATBUOT MARKAZI TOSHKENT VILOYATI BO'LIMI

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРГА САЙЛОВЛАРДА ҚАТНАШИШГА РУХСАТ БЕРИЛДИ

Вилоят сайлов комиссиясида барча сиёсий партияларнинг вилоят кенгашларига "Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлари сайловида қатнашишга ижозат бериш тўғрисида"ги қарор тантанали равишда топирилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партияларнинг вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этишди.



Мазкур қарорларни вилоят сайлов комиссияси раиси Ж. Насриддинов ўқиб берди ва партия вакиллари қатнашишга ижозат берди, Шунингдек, барча партияларга сайловда омад тилади.

Таъкидланганидек, Сайлов кодексининг 89-моддасига кўра, депутатликка номзодлар кўрсатиш учун сиёсий партиялар сайловга камида етмиш кун қолганида вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатларни тақдим этишган эди. Ўз ўрнида сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни белгиланган тартибда – беш кунлик муддатда кўриб чиқиб, узил-кесил қарор қабул қилди.

Кези келганда айтиш кераки, яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига ҳам сайловлар жараёни, номзодлар ўртасидаги дебатлар, сиёсий партиялараро соғлом рақобат ва ҳар бир депутатлик ўрни учун кураш қизгин кечини ҳаражатлар сметасига тасдиқланди. Унга кўра, сайловда иштирок этадиган номзодларга ташвиқот-тарғибот тадбирлари ўтқа-

зиш учун пул ажратилади бўлди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод учун – 10 млн. 832 минг сўм, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод учун – 2 млн. сўм, Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод учун – 1 млн. сўмни ташкил қилади.

Эътиборлиси, олдинги сайловларда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар учун маблағ ажратилмаган. Бу омил, нафақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига, балки, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига ҳам сайловлар жараёни, номзодлар ўртасидаги дебатлар, сиёсий партиялараро соғлом рақобат ва ҳар бир депутатлик ўрни учун кураш қизгин кечини ҳаражатлар сметасига тасдиқланди. Унга кўра, сайловда иштирок этадиган номзодларга ташвиқот-тарғибот тадбирлари ўтқа-

ойган сурат

50 НАФАР ХАМКОРЛИК МУТАХАССИС ТАСДИҚНОМА ОЛДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган хорижлик инвесторлар ва чет эл фуқароларига меҳнат фаолиятини олиб бориш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларни расмийлаштириш жуда қулай тартибда давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилмоқда.

Кисқа муддатда, қулай тартибда 50 нафар хорижлик фуқарога тасдиқнома расмийлаштириб берилди.

Кунни кеча марказ ходимлари корхонага бориб, сайёр тартибда ушбу тасдиқномаларни хорижлик фуқароларга тантанали равишда топширди. Шунингдек, корхона ходимларига марказ фаолиятига доир тушунчалар берилди.

Ангрен шаҳридаги "GREAT WALL CERAMIC INDUSTRIES" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона гишт, черепица ва пиширилган лойдан турли қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Мазкур корхона хитойлик ходимларни ишга жалб қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фао-

ИССИҚЛИК МАНБАИ ТУБДАН ЯНГИЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 апрелдаги тегишли қарорига асосан, Чирчиқ шаҳридаги "Юбилейная" қозонхонаси Жаҳон банкидан ажратилган 16,2 млн. доллар кредит ҳисобига модернизация ва реконструкция қилиниши белгиланган эди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Жаҳон банки делегацияси аъзолари Чирчиқ шаҳрига ташриф буюришди. Вакиллари 1-кичи ноҳияда жойлашган 13 та кўп қаватли уйнинг ички иситиш тизимининг ҳолати билан яқиндан танишдилар. Сўнгра шаҳар ҳокимининг инвестиция ва ташқи савдо иш-

ОШКОРАЛИК, ШАФФОФЛИК ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосан, мамлакатимизда фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида хабардорлик даражасини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

«БОККЕШО»

ёхуд кечинма қолдиқлари

Охириги пайтларда «ярамас» одат чиқарганман. Маълум вақтгача ўзим ўқишим шарт бўлган китобларнинг рўйхатини тузман ва энг ёмони, шу китоблар тугамагунча бошқа китобларга қарамайман ҳам. Режали ишлаш яхши, албатта. Бироқ, ўқилмаган китобларнинг уволи тутиши ҳам бор гап. Мени бу одатдан бир оз четлашга Владимир Набоковнинг эсселаридан биридаги мана бу фикрлар мажбур қилди:

"Дарҳақиқат, бизни "одам қиладиган" китоблар кўп эмас. Фақат уларни топа олиш муаммо. Бундай китоблар ҳеч қачон мутолаа рўйхатларингиздан жой олмайди. Уларнинг муаллифларини ҳам аввал танимаган бўласиз. Ногаҳон қай бир кун кутубхонага кирганингиз пайт жавонда чанг босган китоблар орасидан ўша китобни топиб оласиз ва уни ўқий туриб... ички оламингиз ўзгараётганини сезиб қоласиз. Қизиқ, тўғрими?"

Афсуски, Набоков ҳақ эди. Мен енгилдим.

Уюшмага "Биринчи китобим" лойиҳасида чоп этилган ёш муаллифларнинг китобчалари тақдими-тига ўтгандим. Ҳар ҳолда танишлар бор... Кетаётганимда кўрдимки, кўлимда бир хил ҳажмли тўрт-беш китоб пайдо бўлиб қолибди. Мет-рога тушдим. Гарчи ҳеч қандай қизиқишим йўқлиги ва уларни ўқиб, режаларга мос шаклланиб келаётган мулоҳазаларим чалқиб кетиши мумкинлигидан қўрқсам-да, бир кўз югуртироқчи бўлдим. Биринчиси бинафшаранг муқовасига Жавлон

Жовлиев, деб ёзиб қўйилган кичкина китоб. Мундарижасига қарадим, деярли ҳамма ҳикоясини ўқиганман. Қай бир ҳикоясининг туркчага таржимасини бошлаб, кейин ташлаб қўйганимни эслаб, бир оз сергак тортдим.



Давоми 3-бетда ➡

Шанба мутолааси

"Бухоро, Бухоро, Бухоро". Аллақачон ёд бўлиб кетган ҳикоя. Сюжет чизигида баъзи ортиқча қабарикликлар бор, аммо бир оз ишланса, айнан мана шу ортиқчалик ёзувчининг ўзига хослигига айланиши мумкин, дея ўйладим ўзимча.

Матн устида тимирскилиниб юрган совуққан нигоҳларимга бирдан жон кириб, илиқлаша бошлади. Ботинидаги узук-юлуқ, чалажон таҳлиллар бирдан ғойиб бўлдию, қаердандир мен қаттиқ соғинган хайрат, хайрат бўлганда ҳам болалигимда, математика дарсида устоздан дакки эшитиб, ташқаридаги поезд вагонларини санарканман, мана, билеман-ку, нега устоз мени уришаверади, деганим пайтдаги хайрат оқиб кира бошлади.

"Бухоро, Бухоро, Бухоро..." Бола ҳеч қайси жиҳати билан менга ўхшамасди. Менинг ҳеч қачон акам ҳам бўлмаган. Аям оддий тикувчи, ўзим ҳам... Йўқ, ўзим... Мен ҳам кунлик ишга чиқиб толган пулларим ҳисобига инглиз тилини ўрганган эдим-ку? Жек Лондон эса бошқа масала. У ҳеч қачон менинг ёзувчим бўлмаган. Чалқиб кетдим.

СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ – БУГУННИНГ МУҲИМ ЭҲТИЁЖИ

Вилоятимизнинг Олмалиқ шаҳри ва Пискент туманида аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатишни намунали тарзда ташкил этиш борасида амалга оширилган ишлар якунига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.

□ Семинар



Олмалиқ шаҳрида бошланган семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасаддилари, шаҳар ҳокимлиги вакиллари ва вилоятимизнинг барча шаҳар, туман тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари қатнашди.

Улар дастлаб шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникасида бўлиб, муассасада яратилган шароитлар билан яқиндан танишишди. Иштирокчилар тиббиёт муассасасидаги регистратура, амбулатор қабулга электрон тарзда рўйхатга ўтиш тизи-



ми, умумий амалиёт шифокорларининг тор соҳа мутахассислари билан узвий ҳамкорлиги, беморлар тўғрисида маълумотлар алмашинувида стационар муассасалар, тез тиббий

ёрдам тизими билан хабарлашиш ва бошқа қулайликлар яратилганини эътироф этишди.

Сўнгра семинар иштирокчилари Пискент туманида аҳолига электрон хизмат

кўрсатиш жорий этилган кўп тармоқли марказий поликлиника ва янги барпо этилган 49-қишлоқ оилавий поликлиникасида аҳолига тиббий-санитария хизматлар кўрсатиш сифати, аёллар



маслаҳатхоналари, касалликлар профилактикаси бўйича оммавий скрининг тадбирлар жорий этилиши билан танишдилар.

Семинарнинг туман ҳокимлиги мажлислар залида ўтказилган якуний қисмида вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Т. Арзиқуловнинг Пискент тумани ва Олмалиқ шаҳрида аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатишни намунали ташкил этиш бўйича амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботи тингланди.

Ўз мухбиримиз

□ Маҳалла ифтихорлари

Зулфия Алимұхамедова ўн беш йилдирки, Чиноз туманидаги Навоий номли маҳаллада фаолият юритиб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида маҳаллада кўплаб қурилишлар ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Энг муҳими, Зулфия опа маҳалла аҳли билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлиб ишлайди.

ОДАМЛАР ОРАСИДАГИ ОПА

– Айни пайтда маҳалламизда 370 хонадон, 510 нафар оила, 1 минг 700 нафар аҳоли истиқомат қилади, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зулфия Алимұхамедова. – Деярли ҳар бир оила билан яқиндан суҳбатлашиб, уларни яшаш шароити, ижтимоий муҳофазаси ва бошқа муаммоларини ўрганиб боришга одатланган-

ман. Барча саяб-ҳаракатимиз маҳалламиз аҳолиси тинчлиги, хонадону кўчаларимиз ободлигига қаратилган.

Яқинда эл учун қилаётган хизматлари эътиборга олиниб, З. Алимұхамедова Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони соҳибаси бўлди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА

□ Интилиш

КИЧИК БИЗНЕСДАН КАТТА НАФ

Мамлакатимизда яратилган ишбилармонлик муҳити маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда.

Нурафшон шаҳридаги “Тонг” масъулияти чекланган жамиятининг самарали фаолияти бунга яхши мисолдир. Трикотаждан кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ходимлари катта тажриба тўплаб, бозор рақобатига тезда мослашиб олишди.

– Маҳсулотимизнинг сифатига алоҳида эътибор қаратамиз, – дейди корхона директори Саидолим Тўраев. – Дизайнерларимиз харидорларнинг хоҳиш-истакларини ўрганиб, ишлашмоқда. Либослар учун мато танлашга ҳам

жиддий ёндашамиз. Ҳозирги кунда корхонада 30 киши иш билан банд. Тикув жараёни энг янги замонавий ускуналарда амалга оширилади. Бугунги кунда корхонада йигирма хилдан ортиқ кийим-кечак тайёрланмоқда.

Дарвоқе, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида корхона 400 миллион сўмлик маҳсулот сотишга эришди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, “Тошкент ҳақиқати” мухбири
Хамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ олган сурат



Муассасада йил охиригача 15 га яқин иш ўринлари яратилади. Бу ерда УТТ, доплер скрининг, эхограм-

□ Пискент томонларда

ЯНГИ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Пискент туманида яна бир янги бино фойдаланишга топширилди. Ёш тадбиркор Нигора Юсупова “Yoshlar-kelajagimiz” жамғармаси имтиёзли кредити эвазига кўп тармоқли диагностика ва реабилитация маркази фаолиятини йўлга қўйди.

ма, тракцион каравот (тортиш ва белдаги грижа муолажаси), жигар, буйрак ва аллергия касалликларини даволаш, лазеротерапия каби муолажалар замонавий тех-

нологиялар асосида олиб борилади. Янги марказ аҳолига сифатли ва малакали хизмат кўрсатиш билан бирга тиббий маданиятни оширишга ҳам ҳисса қўшади.

Бир иссиқхонадан беш ҳосил

Пискентлик Давронбек Куролов иссиқхонасида бир йўла уч хил қишлоқ хўжалиги экинни етиштирилмоқда.

Аслида ишни уч сотихда помидор етиштиришдан бошлаб, йилига икки марта ҳосил олинди. Даромад яхши бўлгани боис, икки йилда қарийб майдонни ўн сотихга кенгайтди. Шу йил баҳорда помидор кўчатлари ёнига узумнинг “Ризамат” навидан 120 тул экди.

– Иссиқхонадаги узум одатдагидан бир ой аввал пишди, – дейди Давронбек. – Бу

вақтда бозорда рақобат ҳам бўлмади, бемалол сотиш мумкин. Бу йил экилган тоқлар икки йилдан кейин ҳосил берди. У иссиқхона симбағазларига ўралиб тепага ўсаверди. 2,5 мингта помидор кўча ти экканмиз. Улардан ўртача, 5 тонна ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз. Баҳорда «аламино» навидан мўл ҳосил олдик. Унинг мевалари чиройли ва харидорғир. Кузда «пинса-



ра» навини экдик. Унинг ранги гулоби бўлиб, бозорда эътиборни тортади. Мазаси ҳам зўр, яхши тош босади.

Иссиқхонада барқ уриб турган лимон кўчатлари ҳам кўзни қувонтиради.
Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати.

□ Бандлик



Бир нафар ёш ишга кирса, 100 ТА МУАММО КАМАЯДИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти Кенгаши томонидан вилоят ёшлар марказида “Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси” бўлиб ўтди.

Ярмаркада бандликка кўмаклашиш марказлари, корхона- ва ташкилотлар 300 га яқин бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Меҳнат ярмаркасига 150

нафарга яқин ёшлар қамраб олинди ва шу жойнинг ўзида бир гуруҳ ёшлар билан шартномалар тузилиб, бандлиги таъминланди.

Бу каби долзарб масалалар Тошкент давлат аграр университетиде бўлиб ўтган давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очкилигини таъминлаш миллий тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларига бағишланган семинар иштирокчилари диққат марказида бўлди.

Очиқ мулоқот шаклида бўлиб ўтган давра суҳбати Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот

ятининг очкилиги тўғрисида”ги Қонунга асосан фаолият юритишлари шарт. Ушбу қонун давлат органлари, уларнинг ҳудудий бўлинмаларидан жисмоний ва юридик шахслар маълумот олиш тартиби ва қоидаларини аниқ ва равшан белгилаб берган, бу ҳуқуқий ҳужжатда нафақат маълумот олиш, балки уни тарқатиш тартиби ҳам кўрсатилган.

Семинар иштирокчиларини қутлар экан, Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи Зарифа Эралиева давлат ҳокимияти ва бошқаруви органла-

ОШКОРАЛИК, ШАФФОФЛИК ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташаббуси билан ташкил этилди.

Семинар ишида вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда идоралари ҳудудий бошқармаларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот хизматлари вакиллари, журналистлар иштирок этишди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси Расул Кушербоев ўз нутқида оммавий ахборот воситалари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида батафсил маълумот берди. Нотик фикрича, замон талабларидан орқада қолмаслик, олижаноб ва серҳиммат халқимизнинг ишончини оқлаш учун мамлакатимиз журналистлари ўз фаолиятлари самарасини янада оширишлари, замонавий ахборот технологияларини кенгроқ жалб этишлари, фуқаролар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан алоқаларни янада кучайтиришлари зарур. Шу билан бирга журналистлар мунтазам равишда ижтимоий фикрнинг ўрганишлари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида рўй бераётган ҳодисалар ҳақида тўла-тўқис маълумотга эга бўлишлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай катта масъулиятни талаб қилувчи ишда қаламқашларимиз Ўзбекистон Республикаси “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаоли-

ри ахборот хизматлари олдида турган мақсад ва вазифалар ҳақида батафсил маълумот берди. Хусусан, бугунги кунга келиб, Тошкент вилоятининг 22 та туман ва шаҳар ҳокимликлари ахборот хизматлари фаолияти йўлга қўйилди. Маҳаллий бошқарув органларининг узлуксиз тузилмалари сифатида, улар маълумотларни тайёрлаш ва тарқатиш, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни ривожлантириш каби долзарб вазифаларни бажаришмоқда. Туман ва шаҳар ҳокимликлари фаолиятини кенг ёритиш мақсадида ахборот хизматлари оммавий тадбирлар ўтказиш билан бирга, қизиқарли маълумотлар, хабарлар, пресс-релизларни вақтида тайёрлаш билан машғулдилар. Расмий веб-сайтларга долзарб материалларни жойлаштириш билан бирга, бирок, ханузгача ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Бизнинг олдимизда моддий-техник базасини яхшилаш ҳамда барча таҳдидларга муносиб жавоб бера оладиган, фискал фазоимизнинг бош этакдиган, юқори малакали ва юксак сиёсий саводга эга кадрларни тайёрлаш вазифаси турибди.

Тадбирда иштирокчилар фикр алмашишди, истиқболдаги вазифалар ҳақида келишиб олишди.

Хамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ, “Тошкент ҳақиқати” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Тил – миллат рамзи

Тил миллатнинг фахри, гурури, қиёфасининг бир бўлагидир. Тил миллатнинг борлиги, унинг тарихи ҳақида маълумот берувчи восита ҳамдир.

□ Маърифий кеча

Оҳангарон маданият ва истироҳат боғида ўтказилган “Тил – миллат рамзи” маънавий-маърифий тадбири ҳам ана шу мавзуга бағишланди. Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республика Маҳаллалар кенгаши



ва Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Республика Маҳаллалар кенгаши раиси ўрин-



босари Д. Мирзажонова, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, шоир Барот Исроил, “Ғунча” журнали муҳар-

рири Д. Шомаликова сўзга чиқиб, тилнинг қадимийлиги, жамият, маҳалла ҳаёти ва оилавий муносабатлардаги ўрни ҳақида сўз юритишди. Кечада шоирларнинг ўзбек тили ҳақидаги энг сара шеърлари ўқилди.

Шўх қуй-қўшиқлар жаранг сочиб, ҳақиқий маънода тил байрамига айланиб кетган тадбирда мактабларда ўтказилган “Она тилим – жону дилим” мавзусидаги иншо-лар танловининг гойиблари эсдалик совғалар билан тақдирланди.



Давлат сиёсати тарафдорлари дастлаб масалани: "Ўзбекистонда рус тили давлат тили бўлиши лозим ва шарт!" - тарзида қўйиб, кетма-кет чиқишлар қилди. Бу давлат сиёсати тарафдорларининг биринчи позицияси эди.

Хатто, бир академикимиз уялмай-нетмай: "Мана, мен рус тилини билганим учун академик бўлдим, акам айнан рус тилини билмагани учун қишлоқ мактабида оддий ўқитувчи бўлиб юрибди", - дедилар. Шунда устозимиз, атоқли таржиманунос, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Ғайбулла Саломов бир суҳбатда: "Ие, қачондан буён "қишлоқда оддий ўқитувчи" сифатида ишлаш ор саналадиган бўлиб қолди?! Ёки рус тилини билганимнинг ўзи кишини академик қилиб қўяр эканми?! Бир кишининг академик бўлиши учун республикада аҳолисининг 75 фоизини ташкил этадиган миллатнинг тили давлат тили бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилинадими?!" - деган эдилар куюниб, хатто, ғазабланиб.

Кураш тўхтамади. Миллий зиёлилар ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш ғоясидан асло қайтмади. Заррача чекинмади ҳам. Давлат сиёсати тарафдорлари эса позициясини бир оз ўзгартирди. Энди: "Ҳўп, майли, Ўзбекистонда ҳам рус тили, ҳам ўзбек тили давлат тили бўлсин!" - деб чиқишди. Бу иккинчи позиция эди. Миллий зиёлилар бунга ҳам қўнмади. Хатто, баъзи бахс-мунозараларда: "Бизда бир фуқаролик, оилада бир никоҳлилик қатъияти жорий қилинган, шундай экан, нега энди давлат тили масаласида икки тиллилик бўлиши керак?!" - ҳам дейилди.

Давлат сиёсати тарафдорлари учинчи позицияга ўтди: "Ҳўп, майли, бизда ўзбек тили давлат тили, рус тили эса миллатлараро алоқа воситаси деб эълон қилинсин!" - дейишди.

Ана шундай бахс-мунозаралар айни авж олиб турган мураккаб бир вазиятда республика раҳбариятининг янги, яъни тўртинчи позицияси илгари сурилди. Бу - "Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши керак!" - деган ғоя эди.

Демак, бу бахсда миллий зиёлилар илгари сурган асосий ғоя қолиб келган эди. Шундан ўзбек

тиlining давлат тилига айланиши жараёни ниҳоят даражада жаддаллашиб кетди.

1989 йилнинг 21 октябрида қабул қилинган "Давлат тили ҳақида"ги Қонун амалда республиканинг мустақиллиги йўлида ташланган биринчи дадил ва қатъий қадам эди. Илгор зиёлилар кўнглида: "Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, бас, эртами-индинми, Ўзбекистон, албатта, мустақил давлатга айланади!" - деган илнж пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йилнинг 4 октябри-

лиши керак-да. Шунинг учун она тилимизга давлат тили мақоми берилганидан буён ўтган 30 йилни икки даврга бўламиз. Биринчиси - давлат тилининг 1989 йилнинг 21 октябридан 1991 йилнинг 31 августигача амал қилган даври. Иккинчиси - давлат тилининг мустақиллик йилларидаги амал қилган даври.

Мустақилликка эришганимизнинг иккинчи йилида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Унинг 4-моддасида қуйидаги икки муҳим позиция илгари сурилди:

ТИЛНИНГ ДИЛИ



"Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудидида истикомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди".

2005 йилнинг майида Эрон Ислому Республикасининг пойтахти бўлими Тейхрон шаҳридаги бир илмий анжуманда Ўзбекистонимизда 7 тилда, яъни ўзбек, қорақалпоқ, тожик, рус, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида мактаб ишлари олиб борилаётгани ҳақида сўзлашга тўғри келди. Сизиб қолдимки, аудиторияда пичир-пичир бошланди. Эронлик иштирокчилар бу маълумотни ўзаро муҳокама қила бошлашди. Афтидан, улар икки гуруҳга ажради. Бу маълумотнинг ошкор қилиниши форишайибон эронликларга ёқмади, туркийзабон эронликларга эса маъқул келди. Чунки, Эронда озарбайжонлар сон жиҳатидан иккинчи миллат ҳисобланади. Маълумотларга қўра, бу мамлакатда уларнинг сони 25 миллионга етади. Аммо, Эронда бирорта ҳам озарбайжон тилида таълим берадиган мактаб йўқ. Худди шундай, қурдлар Туркия Республикасида, миқдорига қўра, иккинчи миллат ҳисобланади, лекин бу мамлакатда қурд тилида таълим бера-

диган бирорта ҳам мактаб топилмайди.

Мамлакатимизда Конституция-мизнинг 4-моддасига қатъий амал қилинаётганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Биринчидан, Ўзбекистонимизда давлат тили таълим 7 тилда олиб борилаётган барча мактабларда ўқитилади. Ўзбек мактабларида она тили, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, рус, қирғиз ва туркман мактабларида эса давлат тили сифатида ўргатилади. Иккинчидан, бир нозик ва муҳим нуқтага диққат қилайлик. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

Мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузи ортиб бораётгани сари шунга мутаносиб равишда тилимизга хорижликларнинг қизиқиши ҳам кучайиб бораётти. АҚШ, Япония, Германия, Корея, Хитой, Қозоғистон, Тожикистон ва бошқа кўплаб мамлакатларда ўзбек тили олий таълим муассасасида ўқитилади. Туркия Республикасининг 70 дан ортиқ олий таълим муассасасида ўзбек тили ўргатилади. Бу жараён кучайгандан-кучайиб бораверади. Чунки, биз билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилишни истаётган ҳар қандай давлатга ўзбек тилини билладиган мутахассислар керак.

Баҳонада яна бир гапни айтиш зарур. Ҳар қандай тил унинг эгаси бўлган халқнинг маънавий хазинаси ҳисобланади. Яъни, миллатнинг бутун борлиги шу тил бағрида яширинган. Жумладан, маънавияти ҳам. Кимки бизнинг тилимизни ўрганса, у бевосита миллий маънавиятимизни ҳам ўрганган ҳисобланади. Ахир, салом берса, биздай салом бериши, меҳр кўрсатса, биздай меҳр кўрсатиши керак-да. Ўз тилида ота-онани тугул, юз ешга кирган бобо-бибисини ҳам умрида "сиз"ламаган миллат вакиллари ҳам ўзбекча сўзлаша бошласа, албатта, катталарга "сиз"лаб мурожаат қилишга мажбур бўлади. Демак, тилимизни дунё ўргана бошладими, амин бўлайликки, биз маънавиятимизни Ер юзига ёяяймиз.

"Қовун қовундан ранг олади", деган мақолини бора. Йиллар ўтар, ана шу мақалда тилимиз, унинг бағридаги буюк маънавиятимиз дунёга ёйилади. Биз - қадим замонлардан башариётга зиё таратиб келган халқимиз. Буни Ер юзининг ҳар гўшасида баралла айтишимиз, бу билан фахр-ифтихор қилаверишимиз мумкин.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши амалда ўзбек халқига яна башариёт тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўиши имконини берганини юракдан ҳис қилишимиз зарур.

Шунча муҳокама-мулоҳазадан кейин тилда миллатнинг дили яширинганига амин бўлсак керак. Тилнинг дилидан эса ўзбек маънавияти жой олган.


Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари номзоди,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси

Дарвоқе

«ГАП КҮП, КҮМИР ОЗМИ?»

Маълумки, "Она" сўзи фақат муқаддас тушунчалар ва атамаларга қўшилади. Масалан, ОНА БАТАН, ОНА ЕР, ОНА САЙЕРА, ОНА ТИЛ... Дарҳақиқат, жуда гўзал ва беназир тилимиз бор.

Аммо, биз она тилимизни чинакам маънода эъозлаяпмизми, унинг имкониятларидан самарали фойдаланаяпмизми?! Тилимизнинг таъсирчанлиги, жозибасию чиройини янада сайқаллаштирадиган иборалар, атамалар, мақолларни ҳар доим ҳам тўғри англаб, талаффуз қилаяпмизми?



Куни кеча танишим Гулноза опа билан кўришиб қолдик. Анчадан бери кўришмаганимизга, сира гапимиз тугамайди, денг. Суҳбатимиз охирида бир мақолни айтдилар: "Гап кўп, кўмир оз!". Хайрлашиб уйга қайтарканман, ўша мақол миямда айланаверди. Гапнинг кўплигига кўмирнинг нима алоқаси бор?

Қизиқишим тинчимни бузди. "Ўзбек халқ мақоллари" китобида шу мақолни қидира бошладим. Ниҳоят топдим. Мақол аслида мана бундай экан: "Гап кўпу, умр оз". Демак, битта сўзни нотўғри қўлланилгани мақолнинг маъносини бутунлай ўзгартириб юборган. Афсуски, бундай ҳолатлар тилимизда кўп учрайди, хатто "юқумли касаллик" даражасига етиб қолгандек, назаримда. Бундай нуқсонлар, сўзлардаги услубий ва ймло хатолари, тилимизга ўрнашиб олган хорижий сўз ва жумлалар ҳали-ҳануз долзарб муаммолигича қолмоқда.

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими ҳамда Чирчиқ шаҳридаги Жисмоний тарбия ва спорт университети билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда ўқоридаги ҳолатлар юзасидан талаба-ёшлар иштирокида фикр-мулоҳазалар ўртоқлашилди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, шоира Мумтоз Шаҳобиддин, Уктамои Холдорова, Гулбаҳор Жумаевалар ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши тарихи, тилимизнинг бойлиги, имкониятлари ва шу билан бирга йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этишда бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифаларга тўхталишди.

Тадбирда университет талабалари томонидан тилимизни мадҳ этувчи шеърлар ўқилиб, куйқўшиқлар ижро этилди.

Ирода МУҲАММАДИЗОВА,
вилоят "Маънавият ва маърифат" маркази бўлими бош мутахассиси

«Тошкент ҳақиқати» таништиради

ЧЕМПИОНЛАР МАКТАБИ

Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатини республикамизда яхши билишадди. Энди бу таълим масканининг довури мамлакатимиздан ташқарида ҳам эътироф этилмоқда. Сабаби, мактаб-интернат тарбияланувчилари спортда катта ютуқларга эришиб, устозларининг юзини ёруғ қилишмоқда. Рақамларга мурожаат қилсак, мактаб-интернат ўқувчилари жорий йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон чемпионати ва кубок мусобақаларида 4 та олимп, 2 та кумуш ва 3 та бронза медал, шунингдек, Осиё ва жаҳон биринчиликлари ва халқаро турнирларда 1 та олимп, 3 та кумуш, 7 та бронза медални қўлга киритишди.

Бу ютуқларда муассасанинг бокс бўйича бош мураббийи Фаррух Қиличевнинг ҳам ҳиссаси катта. У йиллар давомида тўплаган бой тажриба ва маҳоратини ўқувчиларга сидқидилдан ўргатиб келмоқда. - Ҳар гал халқаро мусобақаларда бош совринни қўлга киритиб, шожуспага кўтарилган ўқувчиларимизни кўрганимда юрагим фахр-ифтихор туйғуларига тўлади, - дейди Фаррух Қиличев. - Шундай дақиқаларда спорт соҳасини танлаганимдан хурсанд бўлиб кетаман. Яна мени спортга қизиқтирган отам - Жиззах шаҳридаги футбол мактаби мураббийи Комил Қиличевдан миннатдорман. Шукр, ҳозир ўзим ҳам ёшларга мураббийлик қилиб, яхши натижаларга эришяпман.


Дарҳақиқат, бугунги кунда мактаб-интернатда 65 нафар ёш, шу жумладан, 1 нафар киз бокс билан мунтазам шуғулланмоқда. Кейинги икки йил ичида улар орасидан 6 та Ўзбекистон чемпиони, 3 та Осиё ўйинлари, 2 та жаҳон чемпионати гойиб ва совриндорлари чиққани таҳсинга сазовор.

Жумладан, икки йил аввал

Дилшод Рўзметов Екатеринбург шаҳрида, ўтган йили Жаҳонгир Раҳматов Аргентина шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида, Шавкат Бақоев Осиё чемпионатида гойибликни қўлга киритишди. Бу йил Филиппинда ўтказилган Осиё чемпионатида Руслан Абдуллаев совриндор бўлди, ягона боксчи кизимиз Феруза Казакова эса Дубайда ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этди.

Мактаб-интернатда таҳсил олаётган ёшларнинг эришяётган ютуқларида катта ҳиссаси бор устоз ва мураббийлар давлатимиз томонидан муносиб эътироф этилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг жорий йил 27 сентябрдаги "Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида бокс бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳини муқофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, Фаррух Қиличев ҳам "Шуҳрат" медални билан тақдирланди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири



Куз саховати

ҲОСИЛ ҚУВОНЧИ

Бекобод туманининг "Ўзбекистон" маҳалласи ҳудудидаги Абдулла Турсунов бошлиқ фермерлик фермер хўжалигининг 15 гектар ерида анор, беҳи, олхўри, шафтоли каби мевали дарахлар парваришланмоқда.

Айни пайтда бу ерда пишиб, етилган мевалар кўзни қувонтиради. Улар пешма-пеш терилиб, бозор расталари ва аҳоли дастурхонига етказиб берилмоқда. Фермер хўжалиги аъзолари келгусида экин майдонларида серхосил, экспортбоп мевали дарахларни кўпайтириш ҳаракатида.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ
олган сурат

Бизга ёздилар

ХОРАЗМДА ХИВА БОР...

Сўнгги йилларда юртимизда ички туризмни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Яқинда Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси томонидан маҳаллий туризм доирасида Хоразм вилоятига саёҳат уюштирилди. Унда вилоятимиздан бир гуруҳ нурунийлар ҳам таклиф этилдик.

Бизни Урганч шаҳрида карнай-сурнай садолари билан кўтиб олишди.

Республикамизнинг барча масканларида бўлгани каби кўҳна ва навқирон Хоразм ҳам кун сайин ўзгариб, чирой очиб бораётганини кўриб, қувондик. Шу элдан чиққан буюк зотлар - ал-Хоразмий,

Огаҳий, Жалолиддин Мангуберди каби тарихий сиймоларнинг мақбараларини зиёрат қилдик. Айниқса, афсонавий Ичан қалъадаги тарихий обидалар барчамизда катта таассурот қолдирди.

Бир сўз билан айтганда, Хоразм вилоятига қилган саёҳатимиз сермазмун ўтди. Ма-

ҳаллий аҳолининг меҳмондўстлигидан бошимиз кўкка етди. Умуман олганда, очик осмон остидаги музей номини олган Хоразмнинг диққатга сазовор жойларни ҳақида жуда кўп ва ҳўп гапириб, ёзиш мумкин. Лекин, ўз кўзингиз билан кўришга не етсин? Бизга шундай имконият яратган



ташкilotчилардан миннат-дормиз. Маслаҳатимиз - вақт топиб, афсонавий шаҳарга сиз ҳам саёҳат қилинг.

И. НЕЪМАТИЛЛАЕВ,
Вилоят "Нуруний" жамғармаси кенгаши аъзоси
З. ЙЎЛДОШЕВ,
"Нуруний" жамғармаси ўрточирчиқ тумани кенгаши раиси

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Манзилими: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.	Телефонлар: (71) 233-84-95, (71) 233-58-85 (факс) (71) 233-70-10 (71) 233-90-82 (71) 233-38-23, (71) 233-48-08 (71) 233-65-59, (71) 233-54-10	Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.	Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭТАМБЕРДИЕВА Назоратчи мусавҳиҳ Аллома АЗИЗОВА
		Тошкент шаҳридаги офисими: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.	Электрон почта: toshkenthqiqati@umail.uz / th-tp@inbox.ru	Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терияди ва Тоҳир Маҳмуджоев томонидан саҳифаланди.	Навбатчи Рашида БАЙЖАКОВ